

# Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2019 йил  
1 январь

СЕШАНБА

№ 1 (13158)

www.thtp.uz

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!  
Муҳтарам дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли, файзли дамларда жонажон Ўзбекистонимизга 2019 йил кириб келмоқда.

Сиз, азизларни, кўп миллатли халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга улуғ бойлик бўлган оилавий бахт ва саломатлик тилайман.

Азиз юртдошлар!

2018 йилда барча соҳаларда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига катта ўзгаришларни амалга оширдик.

Замонавий корхоналар, уй-жойлар, йўллар, кўприклар қурилди. Таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилди.

Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик янада кучаймоқда.

Ўзбекистоннинг халқро нufузини ошириш учун салмоқли ишлар қилинди.

Бунинг натижасини бугун ҳар бир инсон ва оила,

ҳар бир жамоа ўз мисолида кўрмоқда. Энг муҳими, одамларимизнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтаётган йил мамлакатимиз тарихида ёрқин из қолдирган йил бўлди. Шу боис эски йиллимизни шукроналик ва розилик билан қузатмоқдамиз.

Хурматли дўстлар!

Биз 2019 йилга **Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**, деб ном бердик.

Фаол инвестициялар тараққиёт учун чексиз имкониятлар эшигини очадим.

Ижтимоий ривожланиш эса халқимиз турмуш даражаси ва сифатини кескин оширишга хизмат қиладим.

Биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз. Халқ билан мулоқотни юқори босқичга олиб чиқамиз.

Тадбиркорлик ва хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттирамиз.

Диёримизни янада обод ва кўркам қилиш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Эҳтиёжманд оилалар ва ёрдамга муҳтож инсонларни ҳимоя қилишга, аҳоли даромадларини оширишга эътиборни янада кучайтираамиз.

Муҳтарам фахрийлар, опа-сингилларимиз ва ёшларимизга ғамхўрлик кўрсатиш доимо диққатимиз марказида бўлади.

Ушбу файзли оқшомда барча давлат ва халқларга, хорижий дўстларимиз, ҳамкорларимизга эзгу тилақларимизни йўллаймиз.

Азизларим, кадрдонларим!

Халқимизнинг барча орзу-ниятлари ушалсин!

Фарзандларимиз, набираларимизнинг бахту қамолини кўрайлик!

Ўзал ва бетакрор юртимиз тинч-осойишта, олижаноб, бағрикенг халқимиз ҳамшиша омон бўлсин!

2019 йилнинг қадами қутлуғ келсин!  
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси кенг жамоатчилик ва турли соҳа вакиллари томонидан кўтаринки руҳда қутиб олинди. Мурожаатномада олдимизда турган, халқимиз ҳаётига дахлдор бўлган долзарб масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди. Келгусида ҳар бир соҳада амалга оширилиши зарур бўлган мақсад ва вазифалар белгиланди.

### Президент Мурожаатномаси: ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР

Мурожаатномада баён қилинган устувор вазифалар хусусида айрим соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқари.

**Тоҳир АРИПОВ,**

вилоят Ички ишлар бошқармаси  
бошлиғи, полковник:

– Мурожаатномада таъкидланганидек, эндиликда жиноятчиликка қарши курашишда ижобий натижага эришган профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари рағбатлантирилади. Вазифасини яхши бажарган ходимларга устама ҳақ тўланади. Худудларда жиноятга йўл қўйилса, 50 фоизгача жарима солинади. Шунингдек, профилактика инспектори ёрдамчиси лавозими жорий этилиши маҳаллаларда, худудларда жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, муҳтарам Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар ходимнинг кундалик қоидаси бўлиши керак.

Ўтган 2018 йилда вилоятимиз шаҳар-туманларида секторлар кесимида хонадонларни уйма-уй юриб ўрганиш, фуқароларнинг шарт-шароитлари билан танишиб, муаммоларини аниқлаш ҳамда сектор раҳбарлари ва тегишли органлар томонидан ечимини топиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди ва жиноятларнинг олдини олишда ижобий натижаларга эришилди.

Хизмат фаолиятимизда амалга оширишимиз лозим бўлган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида сифатли адо этишимизда Президентимизнинг Мурожаатномаси муҳим дастуриламал вазифасини бажаради.

**Гофуржон МУҲАМЕДОВ,**

Чирчиқ давлат педагогика  
институтини ректори, профессор:

– Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасини тинглаган ҳар бир киши қалбида яна бир бор эртанги кунимизга катта ишонч пайдо бўлгани шубҳасиз. Мурожаатда қайд этилган барча устувор вазифалар ва топшириқлар қаторида инсон капиталига эътибор қаратилганидан жуда руҳландим.

Жумладан, Мурожаатномада мамлакатда инсон капиталини ривожлантиришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этиш вазифаси қўйилди. Бу зиммамизга мактабгача таълимдан тортиб, умумий ва олий таълим ҳамда илмий фаолиятни такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш масъулиятини юклайди.

Президентимиз томонидан қўйилган топшириқлардан бири ОТМларда қамровни ҳозирги 9 фоизли кўрсаткичдан 2019 йилга 20 фоизга, кейинчалик эса бу кўрсаткич янада ошириш, қабул квоталарини олий ўқув муассасалари томонидан мустақил белгиланиши ва абитуриентларга бир вақтнинг ўзида бир неча ОТМларга ҳужжат топшириш тизимини ишлаб чиқиш бўлди.

Институтимизда вилоятимизнинг мактабларида фаолият юритаётган ўрта-махсус маълумотли педагогларнинг 1 минг 200 нафардан зиёди айна вақтда махсус сиртки бўлимларда таҳсил олмақда. Бу, албатта, ўқитувчи мақомининг юксалиб бориши билан бир қаторда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган эзгу сазий-ҳаракатларнинг самарасидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, Мурожаатномада белгиланган устувор вазифалар мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқади.

### БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Президент  
арчаси

Вилоятимизнинг ҳар бир гўшасида Янги йил шукуҳи, байрамона кайфият кезиб юрибди. Айниқса, болажонларнинг қувончи чексиз. Сабаби, улар Янги йил шодиёналарини интиқлик билан кутишади. Биз, катталар ҳам уларнинг қувончларига шерикмиз.



Бу гал Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройи "Президент арчаси" тантаналарига мезбонлик қилди.

Вилоят ҳокимлиги, халқ таълими ва маданият бошқармаси ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган байрамга Ўқу тумани ҳамда Чирчиқ шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилдилар.

Эртангама безатилган маданият саройига ўрнатилган, камалакранг чироқлар, турли ўйинчоқлар билан безатилган муҳташам арча атрофида Қорқиз ҳамда Қорқиз болажонларни рақсга чорлайди. Завқу-шавққа тўлиб, маза қилиб ўйнаб, кулаётган болакайларни кўриб, дилингиз яйрайди.

Тадбирни вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов очиб, болажонларни байрам билан қутлаб, уларга ўқув қуроллари ва ширинликлардан иборат "Президент совғаси"ни тантанали равишда топширди.

Шундан сўнг вилоятимизда фаолият олиб бораётган хаваскорлик театр студияси томонидан тайёрланган "Янги йил саргузаштлари" номли мусиқий спектакль намойиш қилинди.

Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

қилинди. Эзгуликни тараннум этувчи, дўстлик ва китобни улуғловчи, яхшилик доимо галаба қилиши акс эттирилган шодиёналарига Қорқиз бобо ва Қорқиз, турли эртангама ва мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларга уланиб кетди. Шунингдек, турли ўйинлар, савол-жавоб викториналари ўтказилди. Энг топқирлар, тез айтиш ва шеърлар ўқиган болалар Қорқиз бободан алоҳида совғалар олишди.

Кизиқарли ва мўъжизаларга бой томошадан сўнг болажонлар учун байрам дастурхони

### САВОБ ИШЛАР САРҲИСОБИ

Янги йил арафасида Янгийўл туманидаги "Шердор" мажмуасида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирда вилоят ҳокимлиги вакиллари, мутасадди раҳбарлар, эҳтиёжманд оилалар ва журналистлар иштирок этишди.

Эътибор

Байрамона руҳда ўтказилган учрашувда вилоятимизда истиқомат қиладиган ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва имкония-

ти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида бажарилган ишлар қисқача сарҳисоб қилинди. Жумладан, йил давомида бюджет

маблағлари, ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар кўмағида жисмоний имконияти чекланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд фуқароларга 361 та тураржой, 1 минг 90 дона арава, 130 га яқин эшитиш мосламалари, қўллаб-қувватлаш ва ҳаракат жиҳозлари топширилган. Шунингдек, 900 га яқин мурожаат қилувчиларга протез-ортопедия мосламалари етказиб берилиб, 25

нафар шахснинг ўта оғир операциялари учун моддий ёрдам ажратилган. 414 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига ҳамда 3 минг 425 нафар пенсионер, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз кексаларга сихатгоҳ, 9,5 мингга яқин беморга вилоят ва республика касалхоналарида даволаниш учун бепул йўланмалар берилган. Тадбирда яна 12 нафар муҳтож оилаларга тураржойлар калити топширилди.

Ўз мухбиримиз



Мансур ХИММАТОВ олган сурат



# ЯНГИ ЙИЛНИНГ ИЛК СОВФАЛАРИ

Бугун Оҳангарон шаҳри ҳам катта бунёдкорликлар майдонига айланган. Агар сўзимизни рақамлар мисолида давом эттирадиган бўлсак, 2018 йилда шаҳар ривожига учун 636,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 649 та янги иш ўрни яратилди. 10 та саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги корхона ишга туширилди.

## ШИФЕР МАҲСУЛОТЛАРИ – ЭКСПОРТГА

Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили арафасида яна бир ишлаб чиқариш корхона-

си ишга туширилди. Шифер ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Грейт Финанс" корхонаси томони-

дан амалда 16 млрд. сўм инвестиция маблағи сарфланди. Сифатли ва арзон маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида Хитой Халқ республикасида энг сўнгги румсумдаги асбоб-ускуналар келтирилиб, ўрнатилди. Натижада, 150 нафардан ортқ киши иш билан таъминланди. Энг муҳими, корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг овозаси ҳозирданок кўшни давлатларга етиб борди. Айни кунларда Тожикистон, қирғизистонлик харидорлар корхона маҳсулотларини сотиб олиш истагида.



Бунёдкорлик



## АҲОЛИГА ЯНГИ ШИФОХОНА

Янги йил Зафар шаҳарчаси аҳолиси учун қўшалок байрамга айланди. Бекобод тумани тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси биноси инвестиция дастури асосида "Садақайрағоч" масъулияти чекланган жамияти томонидан 7,801 млрд. сўм маблағ эвазига тўлиқ реконструкция қилиниб,

фойдаланишга топширилди. Қисқа муддатда қурилиб, замон талабларига мос жиҳозлар ва зарур тиббий ускуналар билан таъминланган шифохона дастлабки беморларни қабул қилди. 303 ўринга эга бўлган марказий шифохона кўп йиллар давомида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатади.

## Ватанпарварлик ойлиги

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишига кўра, 2018 йилнинг 15 декабридан 2019 йилнинг 15 январига қадар "Ватанпарварлик ойлиги" эълон қилинган эди.

## ШАРАФЛИ БУРЧ



Шу муносабат билан вилоятимизнинг барча туман, шаҳарларида ҳарбийлар ва ўқувчилар ўртасида учрашувлар, давра суҳбатлари ва танловлар ўтказиб келинмоқда. Янги йил байрами шукҳи бу тадбирларга алоҳида кўтаринкилик бағишламоқда. Ангренда ўтказилган шундай тадбир шароитида мулоқотлар ва ҳарбий хизматчилар шаҳардаги имконияти чекланган, яқка тартибда таълим олаётган ўқувчиларнинг уйларида бориб, уларнинг қизиқиши, орзулари ҳақида суҳбатлашишди.

– Бундай тадбирлар ёшларда бурч масъулиятини кучайтиради, – дейди шаҳар мулоқотлар бўлими бошлиғи А. Ганиев. – Бугунги суҳбатдан сўнг ўқувчилар Ватанни севиш ва унга муносиб фарзанд бўлиш шарафли бурч эканини теран англадилар.

Тадбир якунида имконияти чекланган ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Зухриддин ҚАМБОРОВ**  
Равшан МИРЗАҚУЛОВ  
олган сурат

## ПАРКЕНТДА БИРИНЧИ МЕҲМОНХОНА

Янги йил байрами паркентликлар учун ўзгача ва эсда қоларли бўлди. Сабаби, туманда илк катта меҳмонхона фойдаланишга топширилди.

Меҳмонхонанинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги, қатор ташкилот мутасаддилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни туман ҳокими Нигматжон Муҳаммадов очиб, аҳолини байрам билан қутлаб, келгуси йилда бундай меҳмонхоналар сонини янада орттиришни алоҳида таъкидлади.

Замонавий ва миллий меъморчилик андозалари асосида бунёд этилган "Галаба" фермер хўжалигига қарашли "Эргаш ота" меҳмонхонаси 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, мажмуанинг қурилишига 1 млрд. сўм маблағ сарфланди. Янги меҳмонхона ўзига хос дизайни, қулай шaroит ва имкониятлари билан нафақат маҳаллий, бал-

ки хорижий сайёҳларга ҳам манзур бўлиши шубҳасиз. Бу ерда 10 дан ортқ янги иш ўринлари яратилган.

– Бугунги кунда вилоятимизда ҳам туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди вилоят туризмни ривожлантириш департаменти бўлим бошлиғи Зиёдбек Йўлдошев. – Жумладан, Паркент туманида ҳам янги лойиҳалар устида иш олиб бораёмиз. Хусусан, бу ерда кўп қабатли меҳмонхоналар, сайёҳлик ахборот марказларини барпо этиш кўзда тутилган. Бугун биринчи меҳмон-

хонамизни очдик. Янги йилда яна кўп қабатли шундай объектларни ишга туширишни ният қилганмиз. Шунингдек, Қумушқон, Заркент ва Сўқоқ қишлоқларида камиди 20 гектарлик кичик туристик зоналар ташкил қилиниши режалаштирилган. Ушбу ҳудудларда санаторий-курортлар, пансионатлар, ҳам даволаниб, ҳам дам оладиган турли хил кўнгулчар туристик объектлар барпо этилади.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Сайфиддин Низомов иштирок этди.



Равшан МИРЗАҚУЛОВ  
олган суратлар

"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Ҳаётининг ҳар лаҳзаси нўзал...

Мамлакатимизда инсон манфаатларига устувор аҳамият қаратиш, Президентимиз раҳбарлигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадидир. Шунинг билан мамнуният билан таъкидлаш керакки, сўнгги икки йилда Ватанимизнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиёт, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, соғлиқни сақлаш, илм-фан каби соҳаларда эришилган улкан ютуқ ва марралар, энг асосийси, жамиятимиздаги ўзаро аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳити халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилиб, юксак баҳоланмоқда.

Шу маънода яқунланган 2018 йил ҳам мустақил Ўзбекистонимиз тарихи зарварақларида инсон манфаатларига устувор аҳамият қаратилган, кенг қўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилган, янги муҳташам иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, мактаблар, маърифат ва саноат масканлари қад ростлаган баракали йил сифатида муҳралиб қолиши шубҳасиз. Байрам арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз билан 2018 йил таассуротлари ҳамда Янги – 2019 йилдаги режалари ҳақида суҳбатлашдик.

## СОБИТҚАДАМЛИК САОДАТИ

**Сайёра ҲОЖИЕВА,**  
Пискент туманидаги "Ҳожиев Довудбек" фермер хўжалиғи раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби:  
– 2018 йил шахсан ўзим учун ҳам, жамоамиз учун ҳам гўяда баракали келди. Табиат нокулайликлари ва сув тақчиллигига қарамай, 39 гектар майдондаги ғўздан 40 центнердан, 33,1 гектар ердаги ғалладан 50 центнердан ошириб ҳосил олдик. Хўжалигимиз аъзоларининг саёй-ҳаракатлари билан яратилган 2 гектарлик боғи-

миздаги дарахтлар ҳосилга кирди. 3 гектарлик замонавий иссиқхонамизда етиштирилаётган сабзавот ва резаворлар йилнинг тўрт фаслида эл дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Энг катта янгиликлардан бири, кўп тармоқли фермер хўжалиғи макомини олдик. Ана шундай меҳнатларим эътиборга олинди. Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги байрами арафасида Президентимизнинг фармонига мувофиқ, "Дўстлик" ордени билан тақдирландим. Бундай эътибор бизни яна-

да юксак марраларга ундайди. 2019 йилдаги режаларимиз ҳам катта. Яқин кунларда ўзимизда етиштирилаётган мева-ларни қайта ишлаб, сифатли шербат ва қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашга иштирослашган кичик корхонамиз ўз фаолиятини бошлайди. Шунингдек, бўш турган дала шийони биносини тўлиқ таъмирлаб, замонавий тикув чеҳи ташкил этиш ва маҳаллий хотин-қизлардан бир нечтасини иш билан таъминлашни ният қилганмиз.

## БАХТЛИ ОИЛАЛАР КЎПАЯВЕРСИН

**Юлдуз РОҲАТОВА,**  
Ўрта Чирчиқ тумани ФХДБ бўлими мудираси:



– 2018 йилда туманимизда 1 минг 582 та никоҳ қайд этилди. ФХДБ органлари ҳамда хотин-қизлар кўмиталарининг аҳамияти катта эканини энди ҳар бир ёш яхши тушунади. Бу борада марказлашган тиббий кўриқ ёшларга маъқул бўлмоқда. Натижада, соғлом оилаларга асос солинмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, шунингдек, шу кунларда никоҳ қайд этилаётган бахтиёр ёшларни 2019 йил билан самимий муборакбод этаман.

Янги йилимиз ҳар бир оиллага, ҳар бир хонадонга бахт, шодлик олиб келсин!

## ЭСКИ ЙИЛДАН МИННАТДОРМИЗ

**Умид МУРОДОВ,**  
Олмалиқ шаҳридаги 23-умумтаълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, "Шухрат" медали соҳиби:



– Мана, оламшумул воқеаларга бой бўлган 2018 йил ҳам якунига етди. Одатда бундай паллаларда ўтган йил сарҳисоб қилиниб, Янги йил учун яхши тилаклар, ниятлар қилинади. Шу маънода фахр-ифтихор билан айта оламандики, бу давр менинг ҳаётимда ҳам катта из қолдирди. Таълим соҳасидаги меҳнатларим "Халқ таълими аълочили" кўкрак нишонига муносиб кўрилди, Президентимизнинг фармонида кўра, "Шухрат" медали билан тақдирландим. Икки шоғирдим информатика фани бўйича олимпиада қолиби бўлди.

Соҳада фидойилик ва садоқат билан меҳнат қилаётган, ёш авлодга таълим-тарбия бераётган устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик Янги йилда ҳам давом этишига ишонамиз. Президентимизнинг қарори билан 2019 йилнинг 1 январидан ишловчи пенсионер устозларимизга пенсияларини тўлиқ олиш имконияти яратилгани Янги йилнинг ёрқин ҳодисалари учун дебочадир.

Азиз устозлар, ҳамкасблар, барчангизни 2019 йил билан муборакбод этаман. Машаққатли ва шарафли касбимизда улкан зафарлар, муваффақиятлар ёр бўлсин!

## ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТ

**Гулбахор ФАЙЗИЕВА,**  
байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича жаҳон ва ўсмирлар ўртасида III ёзги Олимпиада ўйинлари чемпиони:



– 2018 йил ҳаётимда катта муваффақиятлар йили бўлиб, бир умр ёдимда сақланган қолади. Ўтган йилда қатор халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юртимиз байроғи баланд кўтарилишига сабабчи бўлганимдан бахтиёрман. Очиги, болагимдан Олимпиада чемпиони бўлишни орзу қилардим. Орзуимга поғонама-поғона етиб бордим. Дастлаб апрель ойида Испаниянинг Барселона шаҳрида Жаҳон чемпиони бўлдим.

Октябрь ойида эса Аргентинада ўтган ўсмирлар ўртасидаги III ёзги Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритдим. Бундай ютуқларимиз Президентимиз томонидан ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳамда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг натижасидир. 2019 йилда ҳам халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, Ўзбекистонимиз доғруғини янада юксалтиришни ният қилганман.

Янги йил байрами билан барчани чин қалбимдан муборакбод этаман. 2019 йил барчамизга омад олиб келсин.

## УНУТИЛМАС ВОҚЕАЛАРГА БОЙ ЙИЛ БЎЛДИ

**Ирина КИРШИНА,**  
Юқори Чирчиқ туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:



– Тарихга айланган 2018 йил унутилмас воқеаларга бой бўлди. 42 йилдан буён туманимиздаги 7-умумтаълим мактабида ёшларга жисмоний тарбиядан дарс бериб келаман. Ўқувчиларим энгил атлетика бўйича шу йил октябрь ойида Бишкекда ўтказилган халқаро мусобақада қолибликни қўлга киритишганидан фахрланаман. Биз – ўқитувчилар меҳнатини қадрлаётган, спортсевар ўқувчиларга барча шароитларни яратиб қўйган давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдоримиз. Ўзим ҳам "Шухрат" медали соҳибаси сифатида бор куч-ғайратимни ёшлар тарбиясига бағишлайман. Юртбошимизнинг ишончи, эътибори ва рағбатини оқлаш барчамизнинг бурчимиздир. Янги – 2019 йил ҳам сермахсул, залворли ютуқларга бой бўлишига ишонамиз.

## ОБОДЛИК ЙЎЛИДА

**Қодирхон КОМИЛОВ,**  
Чиноз туманидаги "Янги ҳаёт" МФЙ раиси, "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони соҳиби:

– Президентимизнинг 2017 йил 13 июлдаги қарори билан "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонининг таъсис этилиши қадимдан миллий кадриятлар, аҳиллик ва хайр-саховат маскани бўлган маҳаллага қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир юксак намунаси бўлди.

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 26 йиллиги байрами арафасида ўз ҳудудда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кенг камровли профилактика тадбирлари ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган бир гуруҳ

фаол ва ташаббускор фуқароларга биринчи марта "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди. Мен ҳам улар орасида бўлганимдан фахр-ифтихор туйғусини ҳис этдим.

Маҳалламизда 4 мингдан ортқ аҳоли аҳил-иноқ яшайди. Фаолларимиз ва профилактика инспектори билан барча ишларни бамаслаҳат олиб бораётганимиз, ёш авлод таълим-тарбиясига доимий эътибор тўғрисида ҳудудимизда хотиржамлик ва осойишталик ҳукмрон. Ўйлайманки, Янги – 2019 йил ҳам барча фуқароларимиз ҳаётда тўқинчилик, яхшилик ва муваффақиятлар йили бўлади.

Янги йил тилаклари

## ЎЗБЕКИСТОН – ЧЕМПИОНЛАР МАМЛАКАТИ

**Ирода ҚОДИРОВА,**  
Куйи Чирчиқ агроиқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси:



– Мамлакатимизда спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, олис ва чекка қишлоқларда ҳам замонавий иншоотлар барпо этилаётгани ва уларда спорт билан шуғулланиш учун барча шароитларнинг мавжудлиги биз сингари ёшларнинг истеъод ва салоҳиятини намойён этиш, орзуларимизни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Ўзим беш йилдан буён спортнинг армрестлинг тури билан шуғулланаман. Шу давр ичида беш карра республика чемпиони, тўрт карра Ўзбекистон кубоғи ўйинлари қолиби бўлдим. 2016 йили Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида 3-ўринни эгаллаган бўлсам, 2017 йилда Қирғизистонда ўтказилган Осиё чемпионати ҳамда Венгрияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатининг мутлақ қолиби сифатида олтин медал билан тақдирландим. Эришган натижаларим учун менга 2018 йилда "Халқаро тоифадаги спорт устаси" фахрий унвони берилди.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик бизни янги марраларни эгаллашга чорлайди. Ниятним – 2019 йилда ҳам халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.



Реклама ўрнида

# «ЧИРЧИҚ-ОҲАНГАРОН»

ирригация тизимлари  
ҳавза бошқармаси жамоаси

юртдошларимиз ва вилоятимиз аҳлини

## 2019 йил

билан чин юракдан табриклайди.

Фаол инвестициялар ва ижтимоий  
ривожланиш йилида Ўзбекистонимизнинг  
сиёсий ва иқтисодий нуфузи янада юксалаверсин!

Осмолимиз ҳамisha мусаффо бўлсин!



## «ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»

акциядорлик жамияти  
жамоаси

Янги - 2019 йил

билан барчангизни  
самимий кутлайди!  
Янги йил юртимизга  
тинчлик, осойишталик ва  
фаровонлик, ҳар бир оилага  
файзу барака олиб келсин.

Жонажон Ватанимиз  
янада гуллаб-яшнайверсин!



Ҳар қайси йил ўз номи, мучали билан  
келади. Мозийшуносларнинг фикрича, мучалнинг туб негизини бундан қирқ аср аввал хитойликлар тузишган. Мучалдан мучалга

ўтиш туркий халқларда миллий анъаналар билан боғлиқ ҳолда кечган. Аммо, барчасида мучал ҳисобига киритилган ҳайвонлар хосиятли саналган.

## ЯНГИ ЙИЛДА БИЗНИ НИМАЛАР КУТМОҚДА?

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону лугатит турк" асарида ёзилишича, эътиқодий тушунчалар туркий халқлар орасида анча оммалашган. Улар мучал йилларининг ҳар бирида ўзига яраша бетакрор ҳикмат бор, деб ҳисоблашган ва шунга тааллуқли тахминларни илгари суришган.

Шарқ халқларининг аксариятида Янги йил байрами Наврўз арасида нишонланган. Қолаверса, уни мучал йили бошланадиган кун сифатида беҳад қадрлашади. Бу бежиз эмас, албатта. Мучал - йил ҳисоби юритишнинг ўзига хос тизими. Унга кўра, ҳар қайси Янги йил сичқон, сигир, йўлбарс, кўён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товук, ит ва тўнғиз каби ўн икки ҳайвондан бирининг номи билан аталади. Шунга мутаносиб равишда ҳар ўн икки йилда янгидан такрорланади.

Янги - 2019 йил мучал бўйича сариқ Тўнғиз йили ҳисобланади. Шу билан 12 мучалдан иборат Шарқ тақвимининг навбатдаги даври яқунланади. Манбаларда шарқий мучал бўйича тўнғиз йилида ёгингарчиликлар кўпайиб, тез-тез қор ёғиб, совуқ забтига олса-да, лекин, нарх-наво арзонла-

шади, деб ёзилган.

2019 йилда ҳаётнинг барча жабҳаларида ўзгаришлар юз беради, низо-лар бартараф этилади, одамлар ўртасидаги муносабатлар яхшиланади.

Тўнғиз йили кириб келиши билан ҳаётингиз қизгин тус олади. Уқиш ва иш фаолиятингизда ўзгаришлар юзага келади, керакли битимлар тузиш, муҳим ҳужжатлар имзолаш учун фурсат тугилади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу йил ҳамма мучал вакилларига янада омадли келади, деб башорат қилинмоқда. Айниқса, ҳаётда ижобий ҳислатлари устувор инсонларга Янги йил хосиятли келади. 2019 йилда ўзингизни ижобий томонлама намоён эта оласиз ва натижада ҳам жамият, ҳам ўз манфаатингизга мос ютуқларга эришасиз. Иш ва касбий жиҳатдан қўтилмаган кичик қийинчиликлар-



га дуч келишингиз мумкин. Муроса йўлини тўтиб, кези келса, сукут сақласангиз ҳар қандай муаммони бартараф эта оласиз. Айниқса, асабларни асраш керак.

Сизни олдинда ижобий маънода серташвиш ва сермазмун ҳаёт кутмоқда. Янги - 2019 йил сиз ва яқинларингиз учун қувонч ва шодликларга тўла бўлишига ишонинг.

## ОРЗУЛАР ОҒУШИДА

- Янги йилни нишонларканмиз, хаёллар билан видолашиб, умиду орзуларни кутиб оламиз.
- Янги йил сизга бутунлай янги ҳаёт бағишламасада, эскиликка янги ҳаёт бера олади.
- Янги йилнинг илк тонгги ҳаммаси яхши бўлиши учун ваъдалар ва ишонч вақти.
- Янги йил кайфияти - бу адашиб эшик тақиллатган инсонни кўрганда ҳам шод бўлишдир.
- Янги йил доимо кечаси кириб келсада, ёруғлигини барча ҳис қилади.
- Янги йил болаларга эртақ учун керак, омадсизларга янги умид учун керак, қолганларга эса хурсандчилик учун...
- 1 январда 365 варақли китобнинг биринчи саҳифаси ёзила бошлади, уни яхши ёзинг.





**«O`zbek ipak sanoati»  
уюшмасига қарашли  
масъулияти чекланган  
жамият шаклидаги**

**«RAVNAQ – SILK»**


**қўшма корхонаси жамоаси**

**барча юртдошларимизни**

**Янги – 2019 йил**

**билан қутлайди!**

Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили  
халқимиз учун муваффақият ҳамда тараққиёт йили бўлсин!  
Юртимиз янада равнақ топиб, гуллаб-яшнайсин!



Гувоҳнома – 302

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
**Ғайрат**  
**ШЕРАЛИЕВ**

Хафтанинг чор-  
шанба ва шанба  
кунлари чиқади.

Электрон  
почталар:  
thaqiqat@mail.uz  
th-tp@mail.ru

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)

71 233-70-10

71 233-55-38

71 233-38-23, 71 233-48-08

71 233-65-59

71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2011  
йил 12 январда 03-001 рақами  
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳририяти компьютер  
марказида терияди ва  
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
**Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА**

Назоратчи мусаҳҳиҳ  
**Аллома АЗИЗОВА**

Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАҲМУДХҲАЕВ**